Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 НОЯБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 61 (8801). ● 19 март, 1986 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

### МЕХАНИЗАТОРЛАР ТАШАББУСИ

ЧИНОЗ районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари бу йил 1010 гектар майдонга чигит экишади. Айни кунларда хўжаликда мавсумга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳозиргача барча техника воситалари сифатли ремонтдан чиқарилди. Шу жумладан 13 та сеялка тўла шай ҳолга келтирилди. Далаларда ер текислаш ишлари давом эттирилаяпти.

Хўжалик механизаторларидан Ў. Тўлепов, А. Маманов ва А. Собитовлар экин-тикин ишларини тез ва соз ўтказиш ташаббуси билан чиқишди. Колхоз деҳқонлари чигит экишни саккиз иш кунида якунлашга аҳд қилишган. Шу мақсадда сабзавот ва картошка уруғлари барвақт ерга қадаб олинади. Ҳозиргача 37 гектарга пиёз, 12 гектар майдонга картошка экилди. 130 гектар ерга эса уруғлик беда сепилмоқда.

Р. КАМОЛОВ.

# ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИНИ ҒАЙРАТ БИЛАН БАЖАРАЙЛИК

**КПСС XXVII съезди мамлакатимиз олдида янги истиқболлар очди. Ўн иккинчи беш йилликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқ хўжалигидаги чуқур ўзгартишлар, унинг тармоқларини замонавий фан-техника ютуқлари асосида қайта қуроллантириш вазифалари олға томон қилинаётган ҳаракат суръатларини жадаллаштириш билан айни бир вақтда бажарилади. Шу боисдан ҳам бу соҳада ижодий ёндашиш, интизом ва уюшқоқлик, шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларининг юксак иш натижаларидан астойдил манфаатдорлиги айниқса муҳимдир.**

**Амалий равишда йўлга қўйилган жанговар социалистик мусобақа бунга кўмаклашади. Ҳамма жойда мусобақани фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, сифат кўрсаткичларини ўстиришга, иқтисод ва тежамкорликка, ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида белгиланган марраларга эришишга қаратиш лозим. Совет кишиларининг меҳнатсеварлиги ва истеъдоди, уларнинг ғайрат-шижоати ва ошиб бораётган маҳорати—ўртага қўйилган мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи шарти эканлиги съездда уқтириб ўтилди. Эндиги иш шу буюк кучни моҳирона ташкил этишга, уни аниқ йўлга солиб туришга боғлиқ.**

**Энг яхши коллективлар тажрибаси шунга ишонтирмоқдаки, меҳнатдаги беллашув хўжалик юритишнинг янги усуллари билан, меҳнатни ташкил қилишнинг ўзини оқлаган формалари билан маҳкам боғлаб олиб борилган жойларда унинг коллективлар ҳаёти ва ишига таъсири ортаверади. Ишчилар, колхозчилар, мутахассисларнинг ташаббуси ва омилкорлигига кенг уфқ очиб берадиган хўжалик ҳисоби ҳам мусобақанинг кучига куч қўшади. «АвтоВАЗ»нинг яқинда «Правда»да тасвирлаб берилган тажрибаси, Херсондаги С. М. Киров номли колхознинг тажрибаси бунга мисол бўла олади. Бу колхозда барча бўлинмалар хўжалик ҳисобига ўтказилди, улар дала ва фермаларда салмоқли натижаларга эришдилар. Новаторларни самарали рағбатлантириш соҳасида, бригадаларнинг мутахассислар ва олимлар билан ҳамдўстлиги соҳасида орттирилган тажрибани чуқурроқ таҳлил этиб, тезроқ жорий қилиш керак.**

**Бизда катта-катта резервлар оз эмас, улардан кўпларини рўёбга чиқариш учун катта маблағ талаб қилинмайди, улар эса дурустгина самара беради. Астойдил манфаатдорлик ва омилкорлик кўрсатиб, дадил изланишни қўллаб-қувватланса бас. Ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш — шу резервлардан биридир. Текширишлардан маълум бўлишича, юзлаб корхоналарда замонавий станок ва машиналар ҳозирча ярим қуввати даражасида ишлатилмоқда, шунинг оқибатида мамлакат йил сайин бир неча миллиард сўмлик турли маҳсулотларни ололмаяпти. Партиянинг съезди коммунистларга, план ва хўжалик органларига, меҳнат коллективларига: барпо этилган қувватлар ҳамма жойда камида лойиҳада белгиланган даражада ишлайдиган бўлиши учун имкони бўлган ҳамма чоралар кўрилсин, деб наказ берди. Бу соҳада илғорларнинг тажрибасидан ўрганиш керак. Улар хизмат зонасини кенгайтирмоқдалар ва кўп станокчилар ҳаракатини ривожлантирмоқдалар. Мусобақадошларга турдош касблар ва жараёнларни эгаллашда ёрдам бермоқдалар. Ремонтчиларнинг ролини ошириб, уларни комплекс бригадалар составига қўшмоқдалар ва уларнинг маошларини пировард натижаларга боғлиқ қилиб қўймоқдалар.**

**Ёки ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришни олайлик. Бу энг актуал проблемалардан бўлиб, уни ҳал этишда тажриба ҳам орттирилган. Бироқ, баъзи корхоналарда, хўжаликларда ҳамон бу хусусда алоҳида кўрсатма ва инструкцияларни кутмоқдалар. Баъзан шундай ҳам бўлади: модернизациялашнинг батафсил планлари тузиладию, аммо шу планларни амалга ошириш учун тузукроқ иш қилинмайди. Нега!—десангиз, зарур механизмлар, мосламалар йўқлигини важ қилиб кўрсатадилар, ўз рационализаторлари ва ихтирочилари эса кўпинча бу ишдан четда қолдирилади. Улар ўйлаб топган янгиликларга менсимай қарайдилар. Ҳолбуки, айтайлик, Запорожье корхоналарида ташаббускор рационализатор ва ихтирочилар бу ишларни айни ўз кучлари билан қилмоқдалар, бу ерда қўл меҳнати билан шуғулланувчилар йил сайин камайиб бормоқда. Бошқа саноат марказларида бундай имкониятлар озмунчами!**

**Ҳозир фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни ишнинг юқори сифатисиз тасаввур қилиб бўлмайди — партия съездида масала шу тарзда қўйилди. Хўжалик механизми ҳам сифатни қатъиян оширишга ундамоқда: аъло маҳсулот учун салмоқли устама ҳақ ва бракчиларга қарши қаттиқ жазо чоралари жорий қилинди. Энди мусобақани ҳам мана шу чоралар ва янги талабларга мувофиқ қайта қуриш муҳимдир. Бу соҳада қолоқлик, қимматли ташаббусларга нисбатан беларволик, тенгчилик айниқса тугатилиши керак. Ношуд кишиларнинг айби билан ҳар йили кўп миқдордаги газлама, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар паст сортларга ўтказилишига, хом ашё, материаллар, меҳнат зое кетишига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Сифатни тубдан яхшилаш ҳар бир коллективнинг, коммунистларнинг, ўз корхонаси, хўжалиги шон-шарафини ва пировард натижада Ватанимизнинг шон-шарафини азиз билувчи барча кишиларнинг жонажон иши бўлиб қолиши керак.**

**Мусобақа маҳсулотни кўпайтиришнинг ҳаммасини хом ашё, материаллар, энергияни тежаш ҳисобига таъминлаш учун курашда муҳим омил бўлиб қолди. Москва ва Ленинград, Украина, Белоруссия, бошқа республикаларнинг бир қанча корхоналарида бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Бироқ, тежамкорларнинг ютуқлари ҳамма жойда ҳам зўр ғайрат билан оммалаштирилаётгани йўқ. Ҳамма ишда ва ҳамма жойда — ишлаб чиқаришда, рўзғорда тежамли бўлиш, қимматли янгиликларни актив қўллаб-қувватлаш керак. Ҳамма жойда исрофгарчилик манфаатсиз бўлган, тежамли хўжалик ходимлари эса яхшигина рағбатлантириладиган қаттиқ тартиб ўрнатилишига эришиладиган пайт келди.**

**Съездолди мусобақаси давомида кўпгина коллективлар маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлашга, ишни бир маромда йўлга қўйишга муваффақ бўлдилар. Хўжалик юритишнинг янги системасига ўтиш ҳам шунга кўмаклашади. Шундай бўлса-да, шартномавий интизомни бузиш ҳоллари рўй бериб турибди, бу эса халқ хўжалигимизга анчагина зиён етказмоқда. Бу эски иллатдан қатъиян халос бўлиш керак!**

**Технология занжири бўйлаб узлуксиз мусобақани ташкил этиш, «Ишчи эстафетаси» принципи асосидаги ҳамдўстликни ривожлантириш, ленинградлик транспортчиларнинг намунаси асосида ёндош бўлинмаларнинг ишини мувофиқлаштириб туриш бу соҳада яхши қўл келади. Хуллас, шошмашошарликларсиз ва штурмларсиз аниқ, аҳил ишлаш кўп жиҳатдан мусобақадошларнинг ўзларига боғлиқ. Мана шундай баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ва ўзаро ёрдам, кооперация асосида маҳсулот етказиб беришга қатъий риоя этиш ҳар бир меҳнат коллективи ва бошқарув бўғини учун қонун бўлиб қолиши керак.**

**Партия съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли бажариш барча меҳнаткашларнинг куч ва ғайратини тўла сафарбар этишни талаб қилади. Коммунистлар умумхалқ мусобақасига бош бўлиб, зўр ғайрат билан меҳнат қилиш, топширилган иш учун юксак масъулият намунасини кўрсатишлари керак. Беш йилликнинг биринчи йилидаёқ салмоқли силжишларга эришиб, шу тариқа халқ хўжалигимизни бундан буёнги ўзгартишларнинг негизини мустаҳкамлаш меҳнат мусобақаси қатнашчиларининг ватанпарварлик бурчидир.**

(«ПРАВДА» газетасининг 18 мартдаги бош мақоласи).

**КЕЛГУСИ ЎН БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЖУДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ. БУ БЕШ ЙИЛЛИК МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖИНИНГ ҲАММА ЙЎНАЛИШЛАРИДА БУРИЛИШ БЕШ ЙИЛЛИГИ БЎЛИБ ҚОЛИШИ КЕРАК.**

(СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН).

## ФИКР ЖЎШҚИНЛИГИНИ КОНКРЕТ ИШЛАР ЖЎШҚИНЛИГИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

**Ўзбекистоннинг меҳнат коллективларида КПСС XXVII съезди делегатлари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Мамлакат коммунистлари тарихий анжуманининг қатнашчилари съезд қабул қилган қарорлар мазмуни ва руҳини ҳар бир киши қалби ва онгига етказишга, ана шу қарорларни бажаришга оид ишларни амалий ташкил этиш учун ёрдам беришга интилмоқдалар.**

● ТОШКЕНТ. Радиомонтажчи, иккинчи ва учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг нишондори Павел Николаевич Чекунов ўз ўртоқлари — «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари ҳузурида нутқ сўзлашга алоҳида тайёргарлик кўрмади. У иш жойидан тўғри мажлислар залига кириб келди.

— Съезд ишчанлик, ижодий ва танқидий вазиятда ўтди, — деди у, — Съездда барча эскирган, социалистик жамиятимизга ёт бўлган ва унинг олға томон ҳаракатига халақит бераётган барча нарсалар ошкора, қаттиқ танқид қилинди. Корхонамиздаги ишларнинг аҳволини худди шундай принципиаллик нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз, бизда амалга оширилаётган ишларнинг қайси бири яхши-ю, қайси бири ёмон ва нималарга қўлимиз етмаяпти, шуни пухта ўйлаб кўришимиз лозим.

Биз съездолди вахтасини муносиб тугаллаб, икки ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарганлигимиз қувончлидир, албатта. Аммо бизда ҳали фойдаланилмаётган қанча-қанча резервлар борлигига бир назар ташлайлик. Ишлаб чиқаришнинг инженерлик жиҳатдан тайёргарлигини олиб кўрайлик. Ғоят аниқ приборларни яратаётган корхонамизда ҳали кўп ишлар қўлда бажарилмоқда. Ишчи ўтириб симни қўлда ўрайди. Аслида эса олти киши бажарадиган ишни битта робот бажаради. Нимагадир шундай роботлар фақат бизда йўқ. Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришга оид вазифалар «умуман» ҳал этилиб қолмасдан, балки ҳар бир иш жойида конкрет бажарилиши керак. Биз шу йўл билангина ҳар бир иш жойида вазифани конкрет ҳал этишимиз лозим. Шундагина сўздан амалий ишга ўта оламиз.

Бирлашма раҳбарлари пухта ўйлаб кўриши лозим бўлган бошқа муаммо ҳам бор. Маълумки, ҳозир бизда иккинчи ишлаб чиқариш корпуси қурилмоқда. Шу корпус ишга туширилиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш икки баравар кўпайиши керак. У энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Уни лойиҳадаги унумдорликка кимлар олиб чиқади? Бунинг учун юқори малакали ишчилар зарур, албатта. Демак, ҳозирнинг ўзидаёқ юқори малакали ишчилар тайёрлаш тўғрисида қайғуришимиз керак.

— Съезд қарорларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир кишининг яқин йилларга ва истиқболга мўлжалланган аниқ, конкрет иш программаси баён этиб берилган, — деб таъкидлади П. Чекунов. — Мен ана шу қарорларнинг коллективимиз ишига берадиган самарасига оид иккитагина мисолни келтирдим, холос. Агар биз барча ишларни яхшилаш тўғрисида биргаликда чуқур ўйлаб кўрадиган бўлсак, партиянинг жадаллаштиришга қаратилган йўлини амалга ошириш учун кўп иш қила олган бўлур эдик.

Делегатнинг нутқи ҳамкасбларида ғоят қизиқиш уйғотди. Учрашувда ишлаб чиқаришда тартибни йўлга қўйиш, фойдаланилмаётган резервларни ишга тушириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга доир бошқа таклифлар ҳам айтилди.

(ЎзТАГ).

## ЕРЛАР ЕТИЛИБ ҚОЛДИ

КОЛХОЗИМИЗ меҳнаткашлари ўтган йили пахта тайёрлаш планларини бажаролмай доғда қолган эдилар. Бунинг сабаби кузги-қишки тадбирлар, экишолди ишларини кўнгилдагидек ташкил этолмагандик. Бу бизга сабоқ бўлди.

КПСС XXVII съезди қарорларидан руҳланган колхозчиларимиз бу йил ишни янгичасига ташкил этмоқдалар. Мўл, эртаги, сифатли пахта етиштиришга қаратилган агротехника тадбирлари ишлаб чиқилди ва уларнинг бажарилиши устидан назорат кучайтирилди. Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Экин майдонларини шудгорлашдан олдин гектарига 300-350 килограммдан минерал, ҳосилдорлиги паст бўлган пайкалларнинг ҳар гектарига 20-25 тоннадан маҳаллий ўғит солганмиз. Айни дамларда бригадамиз далаларида чигит экишга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Шу кунларда коллективимизнинг М. Жўраев, Ҳ. Қаҳҳорова, М. Худойбердиева сингари аъзолари ерларни яхлитлаштириш, текислаш, дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишларини бажаришда бошқаларга намуна бўлишяпти. Биз гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида меҳнат қилаяпмиз.

Д. АЛИҚУЛОВ,
Оққўрғон районидаги «Озод» колхози бригада бошлиғи.

## ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ПАРКЕНТ. Ҳайдар Юсупов кўп йиллардан буён боғдорчилик билан шуғулланади. «Ленинобод» совхозининг у етакчилик қилаётган бригадаси соҳибкорлари йилдан-йилга яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар ўтган йили 30 гектар токзордан 225 тонна маҳсулот топширдилар.

Бригада боғбонлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун баҳорги ишларни кун сайин авж олдирмоқдалар. Токзорларга яхоб бериш, сув йўлларини тозалаш, шпаллерларни ремонт қилиш ва ўрнатиш сингари юмушлар сифатли бажарилмоқда. Ҳозиргача олти гектар майдондаги токзорларга янгидан шпаллерлар ўрнатилди. Бу иш давом эттирилмоқда.

— Биз бу йил эл дастурхонига кам деганда 245 тонна узум етказиб берамиз, — деди бригадир. — Шу мақсадда зарур тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

М. МИРКАМОЛОВ.

*Бу ҳақда съездда гапирилган эди*

## Малакали мутахассислар етарли бўлса...

**«Афтидан, олий ва ўрта махсус мактабларнинг халқ хўжалиги тармоқлари билан ўзаро муносабатларини янгича ташкил этиш лозим, уларнинг кадрларга таълим бериш ва уларни қайта тайёрлаш савиясини оширишдан, улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни тубдан яхшилашдан ўзаро манфаатдорлигини кучайтириш лозим бўлади».**
(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан).

Тошкент политехника институти автоматлаштирилган бошқарув системаси факультетининг учинчи курсида ўқиётган ўнлаб студентлар Ўзбекистон пойтахтида қурилаётган мотор заводига дастлабки тарзда ишга йўлланма олдилар. Лекин улар биринчи практикани республика Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказадилар. Бу илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси завод ҳамда институт иштирок этаётган шартноманинг учинчи шеригидир. Гап инженер кадрларни тайёрлашнинг комплекс системаси ҳақида бормоқда.

— Биз ана шу системада КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Сиёсий докладида тилга олинган олий мактабнинг халқ хўжалиги тармоқлари билан янги муносабатлари тажрибасини кўриб турибмиз, — деди мотор заводининг бош инженери Э. Бардовский. — Бунинг моҳияти шундаки, бўлажак инженерлар олий ўқув юртидаёқ бугунги кун техникаси билан бир қаторда эртанги кун техникасини ҳам ўзлаштирадиган бўладилар. Бу эса ёш мутахассисларга илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ишига дарҳол киришиб кетиш имконини беради.

Қурилиш кетаётган вақтдаёқ дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқара бошлаган мотор заводида ҳозир 100 га яқин роботлаштирилган комплекслар, қайта ишловчи марказлар, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ишлаб турибди. Шу орада «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ана шу техниканинг янги намуналарини тайёрлаш устида иш бормоқда. Экспериментга бош бўлган кишиларнинг фикрича, ёшлар ўзларининг инженерлик фаолиятини ана шу тарзда бошлашлари керак. «Кибернетика» бирлашмаси мутахассислари раҳбарлигида студентлар ўзлари келажакда ишлайдиган станоклар ва линияларни конструкция қилиш, программалаш ва созлашда иштирок этадилар. Шундан кейингина улар ўзларининг бўлажак иш жойларида стажировкадан ўтадилар, билимлари билан бир қаторда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифаларини бажариб синовдан ҳам ўтказадилар. Қизиғи шундаки, корхонанинг конкрет эҳтиёжларини ҳисобга олиб завод «ўз студентларига» диплом лойиҳаси мавзуларини ҳам тавсия этади. Студентларнинг диплом ишига раҳбарлик қилиш мотор заводининг етакчи мутахассисларига топширилган.

— Кўпчилик корхоналар учун долзарб бўлган малакали кадрлар муаммоси бизда ҳам ўткир бўлиб турибди, — деб суҳбатни якунлайди бош инженер. — Биз ҳозир моторларни минглаб эмас, балки юзлаб чиқараётганимизда ҳам бу масала «чирсиллаб» турибди. Беш йилликнинг охирида корхонамиз фойдаланишга топширилганида биз созловчилар, программачилар, мастерлар, участка бошлиқлари ва смена инженерларининг тақчиллигига дуч келмаймиз, деб ўйлаймиз. Уч томонлама шартнома тузаётганимизда синчиклаб қилинган ҳисоб-китоблар ана шундан далолат бериб турибди.

С. КИМ,
Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

## Мажбурият бажарилмоқда

«ТАШОБЛМЕЛИОВОДСТРОЙ» тресги пойтахт областимизнинг пешқадам бинокорлик ташкилотларидан ҳисобланади. Унинг кўп кишилик интернационал коллективи ҳар йили катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Саноат объектлари қатори кўплаб уй-жойлар, хўжалик бинолари барпо этмоқда. Бунёдкорлар ўн биринчи беш йилликни яхши якунлашди. Барча асосий кўрсаткичлар бўйича давлат плани тўла ва ошириб бажарилди. Улар бу йил ҳам дуруст ишламоқдалар. Зиммаларига олган мажбуриятларини ой сайин бажаришяпти.

Социалистик мусобақани авж олдириш, мавжуд бинокорлик машина-механизмларидан оқилона фойдаланиш, меҳнатни пухта ташкил этиш ва илғор иш усулларини қўлланиш коллектив эришаётган ютуқларнинг омили бўлмоқда. Шу сабабли йилнинг ўтган икки ойлик топшириғи муваффақиятли адо этилди. Жумладан, товар қурилиш маҳсулоти плани 104 процентга адо этилди. Пудрат ишлари жами ҳажми бўйича эришилган натижа топшириқдагидан икки процент ортиқ бўлди.

Трест коллективи қўлга киритилган бу ютуқни янада мустаҳкамлаш учун зўр фидокорлик билан меҳнат қилмоқда. КПСС XXVII съезди капитал қурилишини кескин яхшилаш бўйича белгилаган вазифаларнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида бутун тажриба, маҳоратларини сарфлаб ишламоқдалар, ички резервларни қидириб топиб, ишга солмоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

## ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИКНИ ЎЙЛАБ

«СОВЕТ кишиларининг меҳнатсеварлиги ва истеъдоди, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — қўйилган мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи шартидир. Энди иш ана шу буюк кучни моҳирлик билан ташкил этиш, аниқ йўлга солиб туришда қолди. Шунинг учун ҳам бу жабҳада социалистик мусобақанинг роли ғоят каттадир. У иш сифатини оширишга, иқтисод ва тежамкорликка, ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида белгиланган марраларга эришишга қаратилмоғи керак...».

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли чарм-галантерея буюмлари фабрикасида мусобақани ташкил этиш, унинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлаш, таъсирчанлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. У муттасил такомиллаштирилмоқда, янги-янги формалари жорий қилиняпти. Бу коллектив эришаётган ютуқлар омили бўлаяпти.

Фабрика асосан саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан турли хил истеъмол буюмлари тайёрлашга ихтисослаштирилган. Унда 300 дан ортиқ киши меҳнат қилади.

Корхона меҳнаткашлари 1985 йил топшириғини 102 процент қилиб бажарган эдилар. Бу йил янада юксак марраларни эгаллаш режалари тузилди. Пландагига қўшимча 220 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга сўз берган коллектив унинг устидан чиқиш учун мусобақани авж олдирмоқда. Социалистик мусобақага ҳар ойда якун ясалиб, илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантириб турилибди. Сўнгги квартал якунлари бўйича Лутфулла Муҳамедов бошчилик қилаётган пойабзал цехи биринчи ўринни эгаллади ва унга корхона кўчма Қизил байроғи топширилди.

— Бўлинмамиз фабриканинг етакчи цехларидан ҳисобланади, — дейди Л. Муҳамедов. — Коллективимизда 85 киши меҳнат қилади. Фабрика ташкил этилган 1968 йилда атиги икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса ҳозир биргина шу цехнинг ўзида 8 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Ўтган йилдан бошлаб миллий аёллар ковуши тика бошладик. У харидорларга манзур бўлди. 1986 йилнинг январь ойида шундай ковушлардан пландан ташқари 200 жуфт тикилди. Ҳаммаси бўлиб 103 минг сўм ўрнига 116 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдик. Бу ютуқларда ишчиларимиздан Юрий Бичурин, Наталья Селиванова, Нажмиддин Ҳакимов, Баҳодир Абдураҳмоновларнинг хизматлари катта.

Ўтган йили конструкторларимиз томонидан яратилган 14 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шу йил январь ойининг ўзида тўрт хил янги маҳсулот савдо тармоқларига жўнатилди. Аёллар махсисига «Янгилик» индекси қўйилди.

Корхонада тежамкорликка ҳам катта эътибор берилмоқда. 1985 йилда фабрика бўйича 8 минг киловатт-соат электр энергияси ва 2000 сўмликдан зиёд хомашё тежаб қолишга эришилди.

— Коллективимиз, — дейди фабрика бош инженери Саида Ғаниева, — ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилидан бошлаб иқтисодий эксперимент шароитларида ишламоқда. Корхона яқинидаги маҳаллаларда яшовчи аёллар, кўп болалик оналарнинг касаначилик асосида ишлаши учун қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Улардан 90 ишчи тикув машиналари билан таъминланди. Касаначилар уйларига керакли хомашёлар ўз вақтида етказиб берилмоқда.

М. ХОЛБЕКОВА.

## МЕХАНИЗАЦИЯГА ТАЯНИБ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Правда» колхозининг Одил Ризаев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил ишни тубдан янгича ташкил этишди. Колхозчилар йил давомида асосий ишларни фақат техника ёрдами билан бажаришга аҳд қилишди. Хўжаликда ҳозирча яккаю-ягона механизациялашган бригада ташкил этилди. Бунинг учун мазкур бригадага қўшимча техника воситалари ажратиш керак бўлмади. Коллектив аъзолари барча ишларни мавжуд ҳайдов ва чопиқ тракторлари билан уддалашга ҳаракат қилишмоқда.

Бригадада 50 гектар ер сифатли шудгорланиб, унинг 30 гектарига эртаги экинлар учун жўяклар олинганди. Қулай муддатларда беш гектар майдонга картошка экилди. 3 гектар майдонда эса плёнка остида карам парваришланмоқда. Булардан ташқари 8 гектар ердаги пиёз ҳамда 5 гектар майдондаги сабзининг ривожи яхши. Бригада аъзоларининг аҳди бу йил асосий экин майдонларидан икки марта ҳосил олишдан иборатдир.

Ш. ТАЛАЕВ.

### ЎРНИ БЎШАГАН ДЕПУТАТЛАР ЎРНИГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ

## АХБОРОТИ

Шу йил 16 мартда 251-Свердлов сайлов округи (Коммунистик райони) ва 335-Ангор сайлов округи (Ўрта Чирчиқ райони) бўйича ўрни бўшаган депутатлар ўрнига халқ депутатлари Тошкент область Советига сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловлар Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддасига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилди.

251-Свердлов сайлов округи бўйича 2497 сайловчи рўйхатга олинган эди. Улар сайловда юз фоиз иштирок этиб, область Советининг депутатлигига номзод учун якдиллик билан овоз бердилар. 251-Свердлов сайлов округидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг транспорт ва алоқа бўлими мудири Пўлат Мажидович **Абдураҳмонов** халқ депутатлари Тошкент область Советининг депутати қилиб сайланди.

335-Ангор сайлов округи бўйича рўйхатга олинган 3.945 сайловчи сайловда тўла қатнашиб, область Совети депутатлигига номзод учун якдиллик билан овоз берди. 335-Ангор сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Дилбар Набиевна **Жаҳонгирова** халқ депутатлари Тошкент область Советининг депутати қилиб сайланди.

